

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 134 (9.326) 1999 йил 17 ноябрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

Номзодларнинг сайловолди ташвиқоти

БУГУН

Биз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН кўрсатилган ва ушбу партия кенгаши томонидан тақдим этилган айрим номзодлар ҳақидаги сайловолди ташвиқот материалларини газетанинг 2- ва 3-саҳифаларида ёритмоқдамиз.

ДАВР САДОСИ БАРЧА МАЊБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АҲБОРОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистонда сайловолди жараёнини ўрганиш учун мамлакатимизга келган элчи Мадлен Вилкинс бошчилигидаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Делегация аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлган учрашувида бўлажак сайловларда халқро кузатувчиларнинг жумладан ЕХХТ вакилларининг иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул муомаласини тўғри ташкил этишга доир қарорларнинг шу йилнинг октябр ойидаги ижроси, қорхоналарда хорижий валюта тушувлари аҳоли ҳақида бошқа муҳим масалалар муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Унда алоқадор вазирлик ва идоралар банк, давлат солиқ тизими ва бошқа ташкилот ҳамда муассасаларнинг раҳбарлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси Германия федерал жиний полиция хизмати билан биргаликда ташкил этган семинар ўз ишینی бошлади. Шанхай шаҳрида барпо этиладиган қўшма қорхона «Ўзбек ярмаркаси» деб аталадиган бўлди. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Қаҳрамонлик эпоси — «Алпомиш» достони яратилганлигининг минг йиллигини катта тантаналар билан нишонлаган Сурхондарё вилояти марказида ана шу номдаги кўргазма очилди. Бугун Тошкент тиббиёт педиатрия институтини мажлислар залида «ТошПМИ» малякиси» кўрик-танлови ўтказилди. «Динамо» спорт мажмуида пойтахтимизнинг етти спорт клуби иштирокида самбо бўйича «Тошкент Кубоги» учун ўтказилган бахсларда 7 вазндаги курашчилар голиблик учун беллашди.

5 декабрь 1999 САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН 9 январь 2000

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга

18 КҮН ҚОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиға

53 КҮН ҚОЛДИ

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

КЕЧА

Миллий матбуот марказида шаҳар сайлов комиссиясининг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда республика-миздаги барча сиёсий партиялар шаҳар ташкилотлари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳи раҳбарлари, манфаатдор ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.



Ҳамма жойда бўлган сингари Акмал Икромов туманидаги 28-сайлов участкаси ҳамда 4-Зиё Саид сайлов округида ҳам тобора яқинлашиб келаётган сайловларга ҳозирлик ишлари қизгин паллага кирди.

СУРАТЛАРДА: (чапда) 4-Зиё Саид сайлов округи комиссияси аъзолари Жамила Мирсоатова ва Азиз Ҳотамовлар иш устида; 28-сайлов участкаси аъзоси Оқила Азимбекова (юқоридаги суратда ўнгдан иккинчи) илк бор овоз берувчи сайловчилар билан. Рустам Шарипов олган суратлар.

Анжумани олиб борган шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Фарход Маликов йиғилганлар эътиборини асосан сайлов жараёнининг иккинчи босқичи бўлиши тарғибот-ташвиқот масалаларига қаратди.

Энг муҳими, — деди жумладан у, — шаҳар Кенгаши депутатлигига 259 нафар номзодлар рўйхатдан ўтказилиб, ўз сайловолди фаолиятларини бошлаб юбордилар. Улар сафига назар ташлар эканмиз 40 фоизга яқинини ёшлар ташкил этишини, фақат 15 нафари эса илгари маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайланганлигини кўрамыз. Бу кубонари ҳол албатта. Демак, депутатларимиз сафни асосан фидойи, ишбилармон, давр талабларига ҳамқадам ёшлар ҳисобига шаклланди.

Сўнг шаҳар комиссияси раиси сиёсий соҳани эркинлаштириш, иқтисодий муаммолар ва иқтисодий эркинлаштириш, маънавиятни ривожлантириш масалаларида бағишланган номзодлар ва сайловчиларнинг мунозарали тарздаги учрашувлари ташкил этилаётгани тўғрисида ахборот берди.

Кизгин мунозаралар руҳида ўтган матбуот анжумани давомида ҳозирда энг долзарб бўлган ташвиқот арақаларини тайёрлаш ва тарқатиш, тарғибот-ташвиқот ишларининг ташкил этилиши ва беморларнинг сайловда овоз беришлари тартиби, кузатувчилар ҳамда ишончли вакилларнинг ваколат ва вазибалари хусусида сўз берди. Йиғилганларни қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоблар қайтарилди. (Ўз мухбиримиз).

Изҳор

Эгамназар ҚОДИРОВ, меҳнат фахрийси:

— Қирк уч йил ишлаб, ўттиз бир йил маҳалла оқсоқоли бўлиб, ҳали бундай дориломон кунларни, миллатимизнинг шунчалик юзага чиқишини, том маънода демократик сайловларни кўрмаган эдим.

Бугунги кунда халқимизнинг энг фидойи, тadbиркор, ишончли фарзандларини Олий Мажлис, маҳаллий Кенгашларга депутатликка номзод этиб кўрсатган эканмиз, Олий Мажлиснинг охириги сессиясида қабул қилинган сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун асосида сайловчиларга нақадар кенг имкониятлару эркинликлар берилганлигидан жуда хурсандимиз. Энг муҳими, пухта ўйлаб, етти ўлчаб бир кесган ҳолда юртимиз фаровонлиги, ободонлиги йўлида фаолият кўрсата оладиган чинакам ватанпарварлар учун овоз бериш имкониятига эгамиз. Уйлаيمانки, юртимизнинг ҳар бир фуқароси ана шундан келиб чиққан ҳолда энг муносиб номзодларга овоз беради.

Сирожиiddин РАҲМАТУЛЛАЕВ,

«Тошкентмебель» хиссадорлик жамияти ишчиси:

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар рўйхати матбуотда эълон қилинганидан сўнг дарҳол танишиб чиқдим. Ва шунга амин бўлдимки, тенглик ва адолат асосида ўтадиган ушбу сайловларда ҳақиқатан ҳам эл-юрт хурматиға лойиқ, фидойи инсонлар номзод этиб кўрсатилди. Демак, улар орасидан энг саралари депутат этиб сайлангач, келгусида чиқадиغان қонун ва қарорлар ҳам албатта халқ манфаатларига хизмат қиладиган, юрт оғирини енгил қиладиган пухта ва самарали даражада бўлади, деган умиддаман.

Ҳамза туманидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайлов ўтказувчи 362-сайлов участкасига ташриф буюрганмишда Олий Мажлис депутати Оқила Азимбекова

— Вадим Петрович иккинчи маро-нинг таклиф ва истақларига қулоқ

Муносабат

АГАР ДЕПУТАТ ЭТИБ САЙЛАНСАН

Тургун АЗЛАРОВ,

Олий Мажлис депутатлигига номзод, Шайхонтоҳур туманидаги А. Навоий номили 40-мактаб-гимназиясининг информатика ва математика олий тоифали ўқитувчиси, доцент, педагогика фанлари номзоди:

— Ўтган йиллар қилинган ишларни бир чамалаб кўриб, ҳозирги демократик жамият пойдеворини янада мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотларга депутат сифатида ўз хиссамни қўшимча мумкин деган ҳулосага келдим. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодим кўрсатилганидан ҳақли равишда фахрланаман. Депутат бўлиш учун билим ва тажрибанинг ўзи камлик қилади. Депутат шунингдек, виждонли, шижоатли, халқпарвар, халқ ишонган вакил бўлиши лозим.

Ўзимнинг 25 йилга яқин муаллимлик фаолиятим давомида иқтидорли ўқувчи ёшлар билан ишлаш соҳасида маълум ютуқларга эришдим. Мактабимизда информатика фанини чуқур ўқитиш бўйича бир неча йиллардан буён тажриба олиб бормоқдамиз. Ёш авлоднинг соғлом фикрли, жисмонан бақувват бўлиб ҳаммага етишларида биз устозларнинг ҳам хиссамиз катта бўлиши керак, деб ўйлайман.

Шуни таъкидлаш керакики, мустақиллик-

ка эришганимиздан сўнг таълим соҳасини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилди. Шахсан Юрбошимиз ва ҳукуматимизнинг сый-ҳаракатлари билан олий ва ўрта, халқ таълимини жаҳон андозалари даражасига етказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Уқитувчилар ва талабаларга билим ва малакаларини ошириш учун махсус жамғармалар тузилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида бу соҳага ҳам жуда катта эътибор қаратилиб, ёшларнинг чуқур билим олишлари учун янада кенг имкониятлар яратилди. Кўплаб олий ўқув юрталари, коллеж ва лицейлар қад кўтариб, ўз фаолиятини бошлади. Шуларни ўйлар эканман мен ҳам агарда Олий Мажлис депутатлигига сайлансам, қонун чиқарувчи юқори орган — Олий Мажлисида ўзимнинг бутун куч ва билимимни ишга солган ҳолда халқимиз ва жамиятимиз ҳаётининг енгилаштирадиган, хусусан таълим соҳасидаги қонунларнинг қабул қилинишига ўз хиссамни қўшган бўлардим.

Дилорам ИКРОМОВА Ёзиб олди.

ИШОНЧИМИЗНИ ОҚЛАЙДИ

зода килиб кўрсатилмоқда, — дейди участка котибаси Сайёра Абдуқодирова. — Биз бу инсонни кўп йиллардан бери биламиз. Берган ваъдаси- беради. Мана шундай фидойи инсонлар депутат этиб сайланса жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар янада тезлашади.

Сайлов сийлов эмас

ҚўНФИРОҚЛАРИНИГИЗИ КУТАМИЗ

БУГУН

дан эътиборан «Тошкент оқшоми» тахририятида бўлажак сайловлар олдида сайловчиларнинг сайловлар ҳақидаги, депутатликка номзоди кўрсатилган кишилар тўғрисидаги, уларнинг сайловолди дастурлари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини, таклифларини, ижобий ва танқидий мулоҳазаларини Ёзиб оладиган навбатчилик гуруҳини ташкил этмоқдамиз. Шанба ва яқинда кунлардан ташқари ҳар кунни 133-99-42, 132-11-39 рақамли телефонларга сайловлар ҳақида ўз муносабатингизни билдиришингиз мумкин. Шу телефон ёнида навбатчилик қиладиган ходимларимиз сизларнинг айтган ҳар бир гапингизни «Тошкент оқшоми» саҳифаларига олиб чиқишади. Шундай қилиб, азиз дўстлар, қўнғироқларингизга мунтазиримиз.

КЕЧА

кундуз соат 12 ларда «Оқшом» тахририятига шаҳар телефондан қўнғироқ қилиб қолишди. Гушакни кўтаргач жараиғдор овоз эгаси хушмуомалалик билан саломлашиб газета саҳифаларида сайловолди ташвиқот материалларини ўқиганлигини айтиб, бир номзод хусусида кўнғиб гапира кетди. (Айрим иштироки билан у айтгани жойини аниқ жойини келтирмаган ҳолда муштарийимиз сўзларини куйида келтирамиз).

Ия, наҳотки?!

— Мен депутатликка лар. Лекин мени ажаблантириши мумкин? Мен бир номзод бўлган одамнинг тирган нарса шубҳлики, сайловчи сифатида бундай

ЎЗ ДАРВОЗАСИНИ ЭПЛАМАГАН ОДАМ...

суратини кўрдим ва у ҳақидаги лавҳани ўқиб чиқдим. Лекин бир нарсадан жуда таажжубдаман. Менинг отам ҳам номзодликка кўрсатилган шу одам ишлаётган жойда меҳнат қилган- хатто ўз қорхонасига кириверишдаги жойларни тартибга келтира олмаган, дарвозасини эплоймаган одам қандай қилиб депутат бўлиши, кенг қўламли ишларни қандай қилиб хал номзодни ёқлаб, асло овоз беролмайман... Шу билан телефон гушагидаги гап тугади. Ундан тегишли ҳулоса чиқариш ҳукмингизга ҳавола. (Ўз мухбиримиз).

БОСҚИНЧИЛАР ҲУЖУМИ

Шу йилнинг 15 ноябрида 15-20 нафарча босқинчидан иборат гуруҳ Тошкент вилоятининг Янгиобод аҳоли пунктининг яқинида жойлашган милиция блок-постига ҳужум қилди. Қуролланган жиний гуруҳ ҳужуми натижасида уч милиционер ва уч фуқаро ҳалок бўлди. Босқинчилар гуруҳи Ўзбекистон Республикасига Кирғизистон худудидан ўтган бўлиши эҳтимоли бор. Ҳозир босқинчиларни излаб топиш ва йўқ қилиш борасида барча зарурий чоратadbирлар қўрилмоқда. (ЎЗА).



**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашидан кўрсатилган номзодлар**

**СЎЗ — НОМЗОДЛАРГА**

**ХАЛҚ ПАРТИЯСИ**



**Латиф Ёқубович Гуломов** — Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши 1-котиби, 17-Думбироаб сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— Бизнинг партиямиз мустақил давлатимиз ёши билан тенгдошдир. Агар бизнинг айрим сиёсий рақиблиримиз ўсмирлик инжиқликларини энгши босқичида бўлсалар, биз эса маълум тарихий масофани босиб ўтдик. Биз халқимиз билан бирга ўтмиш чалкашликларидан воз кечдик. Бу осон бўлмаган жараён биз учун бекорга кетмади.

Биз шуни тушуниб етдикки, буюк давлатга, фаровон ҳаётга, бахтли келажакка ўзимизнинг интилишимизни шунчаки баён қилиш билан чекланмасдан, аксинча бугунги ҳаёт жараёнларидан келиб чиқиб, мафкуравий ва иқтисодий синалган аниқ ҳаракатлар дастурини белгилаб олдик.

Жумладан:

1. «Инсон, халқ манфаатлари Ўзбекистон

Халқ демократик партияси учун ҳар нарсадан устундир».

2. ЎзХДП муносиб сиёсий тузум ва давлат тузумидан иборат, ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этишга интилади.

3. Сиёсий-ижтимоий соҳада онгли, фаол фуқароларга таяниб иш кўради.

4. Иқтисодиётни умум эътироф қилинган меъёрларга мос равишда эркинлаштиришни қўллаб-қувватлайди.

5. Миллатимизнинг ҳар бир фуқароси ва оиласининг соғлиги, фаровонлигини таъминлашга ҳаракат қилади.

6. ЎзХДП пулнинг кадр-сизланishi оқибатида аҳолининг ҳимояга муҳтож гуруҳлари турмуш даражаси пасайишининг эмас, балки пенсиялар, стипендиялар ва жамғиравлик маблағларининг ишончли тарзда қонун асосида индексациялаш тарафдоридир.

Бундай индексациялаш асосини давлат томонидан белгиланадиган энг кам иш ҳақи, меҳнат нафақаси ва энг кам истеъмол қийматининг мутаносиблиги тўғрисидаги қонун ташкил этмоғи лозим.

7. ЎзХДП давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларини ахборот воситаларида реал ёриштириш орқали тўғри ва ишончли статистик ахборотлар олиш ҳуқуқини амалда таъминлаш йўлидан боради.

ЎзХДП солиқлар миқдорининг асосиз оширилишига қаршидир.

8. Диннинг муҳим аҳамиятини тан олиб, ислом маданияти кадрларини ҳурмат қилиш. Шу билан

бирга атеизм ва дин тўғрисидаги сохталаштирилган тасавурларга жамият ҳеч қачон қайтмаслиги лозимлиги устида иш олиб боради.

Ўзбекистон ХДПси шовинизм ва миллатчиликни, ҳар қандай кўринишлардаги диний ғоявий экстремизм, халқро терроризмини қоралайди ва қатъиян рад этади.

9. Жамиятда қонун устуворлигидан бошқа ҳеч қандай яққа ҳукмронликнинг ўрнатилишини тан олмасликни ёқлайди.

10. Ўзбекистон ХДП давлат умумтаълим мактаблари, шифохона ва поликлиникалар учун ажратилаётган бюджет маблағларининг, электр қуввати, иссиқлик, иссиқ сув ва совуқ сув, канализация, қурилиш ашёлари учун ва бошқа коммунал харажатларнинг ўсиши, уларга сарфланаётган зарур харажатларни қопламаслиги боис билвосита қисқартирилишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Биз қандайдир танланган қаҳрамонлар, сараланган аслозодлар ёхуд азоб-уқубатга ботганлар партиясини эмасмиз. Биз бахт ва фаровонликка чевара ва эвараларимиз замонида эмас, балки бугунги кунда эришишга ҳаракат қиламиз, биз ўзимиз нормал иқтисодий ривожланган демократик жамиятда яшашни хоҳлаймиз. Бизнинг асосий ширимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларида мўжасамлашган:

*Юз жафо қилсанг менга бир қатла фарёд айларам, Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.*

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ, ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ, ҲАР БИР КИШИ, ҲАР БИР ОИЛАНИНГ ФАРОВОНЛИГИДАН ЎЗГА ОЛИЙ МАҚСАД ЙЎҚ**

**ЖОНКУЯРЛИК ИНСОНГА ХОС**



**Бахтиёр Мираҳимович Ҳақимов** — «Ўзбек қоғози» ОАЖ қузатув кенгаши раиси, 3-Ақмал Иқромов сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— «Инсон жамоасида энг камил одам машаққат юқини энг кўп кўтарган одамдир», дея таърифлаган эди буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий. Мен ҳам худди ана шундай таърифга муносиб бў-

лишга, эл ҳурмати қозонишга ҳаракат қилиб келаман. Қаерда хизмат қилмайин ўзимнинг пок қалбим билан эл гамини ўйлардим, куюнчақлигим, ташаббускорлигим менга доим кўл келди. 1974 йили Тошкент Политехника институтини битириб, «Иқтисодиёт ва қурилиш ташкилоти» мутахассислиги бўйича иختисосга эга бўлганимдан кейин қурилиш ташкилотларида катта вазифаларида ишладим. Сўнг бош муҳандис, Чилонзор туман ижрокўми раиси ўринбосари лавозимларида, 153-қурилиш трести бошлиғи, «Ўзбекмебель» ДАБнинг раиси ўринбосари бўлиб ишладим. Ҳозир «Ўзбек қоғози» ОАЖ қузатув кенгаши раиси вазифасида ишлаб, Ўзбекистонда қоғоз ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшмоқдаман.

**МУҚАДДАС БУРЧ**

**Шухрат Хусниддинович Асомов** — «Ёшлик» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, 10-Чуқурсой сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— Юртимиз кундан кун фаровонлашиб бормоқда. Тинч ва осойишта ҳаётимиздан манмуниш. Янада яхши кунлар яқин. Бунинг ўз кўзимиз билан кўриб, юракдан ҳис қилиб турибмиз. Мустақил давлатимизни янада мустақамлашга ҳисса қўшиш менинг ҳам муқаддас бурчим деб биламан. Эларнинг камқўстни бутлаш, улар учун янги иш жойлари ташкил қилишга астойдил киришганмиз. Айниқса, аёлларнинг тивувчилик сингари касбларга диққатини жалб этиш, хунар ўргатиш билан меҳнатга тортиш, ижтимоий ҳимоялашга эътиборни кучайтиришни шу



кеча-кундузимизнинг муҳим вазифаси деб биламан. Шунингдек, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ишлаб чиқариш орқали фаровонлигига фаровонлик қўшиш, ишчилар ва бошқа хизмат аҳлининг маошларини ўз вақтида беришни йўлга қўйиш ҳам долзарб масалалардандир. Мен сайловда галаба қозониб, депутатликка сайланишга муяссар бўлсам, худди шу масалалар билан астойдил шуғулланаман ва бу йўлда куч-ғайратимни аямай меҳнат қиламан.

**МЕНИНГ КЕЛГУСИДАГИ РЕЖАЛАРИМ**

**Қирғизбоев Алижон Элчибоевич** — «Ўзбекмебель» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси раиси, 14-Кўйлик сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— Меҳнат учун яшаш эмас, яшаш учун меҳнат қилиш керак. Ҳар бир кишининг меҳнати қадрланиши, ўз қобилиятини намоён этишига кенг имконият яратиш бериш зарур. Тадбиркорлик, хунармандчиликни ривожлантириш, кичик ва ўрта маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашига эришиш, баҳоларнинг сунъий кўтарилишига йўл қўймаслик керак. Мен бу борада ўзимга режалар тузиб, пухта ишланган дастурга эгаман. Ана шу дастуримнинг устувор йўналиши инсонга ҳар тарафлама ёрдам бериш, ҳар бир оиланинг эҳтиёжини қондириш учун курашишдан иборатдир. Олий Мажлис ишида фаол иштирок этиб, мамлакатимиз ҳудудий, ижтимоий асосларни мустақамлайдиган қонунлар яратилишига ҳисса қўйишни муқаддас бурчим деб ҳисоблайман. Жамиятимизни маъмурий буйруқбозлик ус-



бидан халос этиш, маҳаллий органлар ва маҳалларнинг ўз ўзлари ни бошқаришдаги мавқеини янада кўтариш, қишлоққа саноатни олиб кириш масалалари ҳам дастуримдан алоҳида ўрин олган. Меҳнат ва уруш фахрийларига, ноғирон, кам таъминланган оилаларга ишбилармонлар ёрдами ни уюштириш, илм-фанга эътиборни кучайтириш, кўп миллатли халқимиз ўртасида дўстона муносабат ва биродарликни кучайтириш, чет эллар билан иқтисодий-сиёсий, маданий алоқаларни муттасил ривожлантиришда ҳеч толмай меҳнат қилишни асосий бурчим деб биламан. Ҳамкасбарим, ҳамшаҳарларим менинг номзодимни Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатишган экан, демак, мен ана шу режаларим асосида фаолият юргизишни давом эттириш билан уларнинг ишончини оқлашга ваъда бераман.

**ИШОНЧ — БУ ЭЪТИҚОД ДЕМАК**

**Владимир Тўйчиевич Одилов** — «Ўзитал-моторхолдинг» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, 4-Бектемир сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— Фақат ҳалол меҳнатим орқали юксак ишончга эришдим, девам мақтанчоқликка йўйилмас. Фақат меҳнатгина кишига бахтсаодат келтиради, дейишларида ҳақиқат бор экан. Бунинг ўз тажрибамда кўрдим. Энг муҳими, шу меҳ-

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида директор муовини лавозимида ишладим.

**Партияимизнинг олий мақсади — ҳар бир оила ва меҳнат кишисининг, уларнинг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъий назар, моддий ва маънавий фаровон ҳаёт кечириши учун тенг имкониятлар яратиш, кишиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва инсоний эркинликларини кафолатлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини, тинч ҳаёт кечиришини ишончли ҳимоя қилишдан иборат.**

раёнларидаги илғор усулларни ўз вақтида сезиб, уни жамоа ўртасида тарғиб қилишга интилиш, ҳқдим-лишлар кўрсатишни амалга ошира билиш керак экан. Умуман тажрибали раҳбар ишлаб чиқаришда энг зарур муаммолардан ҳисобланган кадрларни танлай билиш, улар учун мос иш жойи белгилаш ҳам аатта аҳамиятга эга. Шунингдек, кўрхонани энг қулай ва

1994 йилнинг февраль ойидан бошлаб «Ўзиталмотор» ҳиссадорлик бирлаш-

маси Бошқарув раиси бўлиб ишлаб келмоқдаман.

Раҳбар истеъдодли бўлиш керак. Лекин истеъдод ҳам ўзидан ўзи келавермайди. Кўп ўқиш, ўрганиш, тажриба орттиришни муттасил давом эттиришни қатъий талаб этаркан. Менга бу борада кўп жиҳатдан мактаб родини ўтаган жамоанинг ўзи бўлди. Ундан кўп нарса ўрганаман доим. Уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга бўлган қизиқим раҳбарлик услубимни бойитишга ундайди, дунёдаги ишлаб чиқариш янгиликларидан доим бохабар бўлиш, ана шу ишлаб чиқариш жа-

энг илғор моддий техник жиҳатдан бойитиш, пухта ҳамда оқилона режалар тузиб, уни амалга оширишда бор кучини аямаган раҳбар узоққа боради. Мен шундай деб ўйлайман. Хуллас, раҳбарлик ҳам ҳақиқий фан каби изланиш, етти уҳлаб тушинга кирмаган янгиликларни қидириб таъриқлаш талаб қилади. Шунингдек, ходимлардан фақат иш ва яна ишни талаб қилавермай, корхонадаги етишмовчиликларга эътибор қилиш, маошларни оширишни ўйлаш, моддий жиҳатдан қийналиб қолганларнинг гамини ейиш, иш шариоитларини яхшилаш борасида доим бош қотириш зарур.

**ИҚТИДОРЛИ КАДРЛАР ЗАРУР**

**Шокир Тўраевич Солихўжаев** — «Тошметроқурилиш» бошқармаси бошлиғи, 19-Мевазор сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— Мен Тошкент шаҳар қурилишлари ва муҳандислик иншоотлари тармоғини ривожлантиришга озми-кўпми ҳисса қўшганим билан бахтли эрман. Кейинги йилларда Тошкент шаҳрида чирой кўрсатган фавораларни, Самарқанд шаҳрида Имом Бухо-

рий мажмуини қуриш ва уларни ишга туширишда фаол иштирок этдим. Хозирги кунларда Тошкент метросининг Юнусобод йўналиши битишини ждаллаштириш ва тезроқ ишга тушириш борасида камтарона меҳнатим билан фаолият кўрсатмоқдаман. Шунингдек, метро қурувчиларининг ишлаш, яшаш дами олиш шароитларини яхшилаш ва уларнинг талабларини иложи борида тўлароқ қондиришга ҳаракат қилаётиман. Шунингдек, ўзимизда хизмат қилатган меҳнаткашларнинг ўғил-қизларининг таълим-тарбиясини яхшилаш ва парни тайёрлашда фаол иштирок этишни ҳам асосий вазифаларимдан бири деб ҳисоблайман. Чунки бизга иқтидорли кадрлар жуда зарур. Ана шу йўл билан кадрлар заҳирасини яратушга мунсоби ҳисса қўшмоқдаман. Бор куч-қудратимни, бор қобилиятимни сарфлашда тўхтамайман.

**МОҲИР ТАШКИЛОТЧИ**

**Сайфиддин Валиевич Муродхўжаев** — «Ўзбеккабель» давлат ҳиссадорлик жамияти раиси, 6-Мирзо Улугбек сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— Мен иш фаолиятимни 1970 йилда Тошкент Политехника институтини таълимий тадқиқотчи вазифасида хизмат қилиш билан бошлаган эдим. Сўнг институтнинг проректори муовини, Давлат режа қўмитасида фан ва техника бошқармаси раҳбари ўринбосари, «Ўзхимфарм» ишлаб чиқариш бирлашмасида бош директор, «Ўзэлтехпром» Ассоциациясида, ҳозир эса «Ўзкабель» давлат акциядорлик бирлашмасида раис лавозимларида ишлаб, ходимлар ўртасида тиришқоқ ва ташаббускорлигим билан обрў-эътибор қозондим.

Раҳбар хизмат вазифаси билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этишда ўзини билимли, тажрибали ва моҳир ташкилотчи сифатида намоён эта олиш керак деб ҳисоблайман. Ишлаб чиқаришни хом ашё ва бутловчи қисм-

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз сиёсатида энг яхши демократик анъаналарга, халқнинг тажрибасига, умуминсоний қадриятларга таяниш ниятида. Халқнинг анъаналари ва тарихий мероси, унинг асрлар давомида жамланган маънавий салоҳияти, бу — бизга замондош башарият цивилизациясининг умумий тараққиёт йўлида олдинга қараб ҳаракат қилиш учун замин, пойдевордир.**

лар билан таъминлашдек масъулиятли вазифа ҳам раҳбар зиммасида бўлади. Корхонаимизнинг ҳўжалик ва молиявий аҳолини белгиловчи кўрсаткичлар аввалги йилларга нисбатан бир неча фоиз ошгани, шу жумладан марказий экспорт бюртмалари шу йилнинг олти ойи ичида юз фоиздан ошириб бажарилганлиги, натижада корхона ишчилари маошлари ўттиз фоизга ортанлигини фахр билан айтсам бўлади.

Ҳақиқатқўйлигим, ҳамма билан дўстона муносабатда бўлишлигим менга кўл келяпти. Шундай бўлиб қолишга ҳаракат қиламан.

**ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК**

**Қаҳрамон Насриддинович Давронов** — Ўзбекистон ФА Микробиология институти директори, 7-Тракторсозлар сайлов округидан Ўзбекистон Олий Кенгаш депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— Мен яратган микроорганизм ферментларнинг кўп шаклилиги ҳақидаги гипотеза бутун дунёнинг йирик фан арбоблари томонидан тан олингани шу билан бирга микроорганизмлар томонидан фермент синтез қилиш назариясини ҳам бойитган десам муболага бўлмас.

Ўзбекистоннинг тупроқларидан ажратилган микроорганизмлар ҳосил қиладиган липаза ферменти чет эллик мутахассисларнинг ҳам диққатини тортган. Шу сабабли илмий на-

тажларим жаҳондаги талай нуфузли илмий журналларда чоп этилди. Менинг ташаббусим билан тупроқда азот тўловчи микроорганизмлар асосида яратилган «Ер малҳами» биоўғит мамлакатимиз деҳқончилигида кенг қўлланилиб келинмоқда. Мен раҳбарлик қилиб турган илмий корхона республикамизнинг энг самарадор илмий масканларидан бири бўлиб, Ўзбекистон иқтисодий ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётгани билан фахрланаман.

Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти директори, биология фанлари доктори, профессор сифатида бор кучимни, билимимни ва тажрибамни мамлакатим



равнақи ва қудрати учун сарфлашни муқаддас бурчим деб биламан.

**Ижтимоий соҳада партия фаолиятининг бош мўлжалли — мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ва унинг оиласининг соғлиги ҳамда фаровонлигини таъминлаш учун зарур озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, тиббий парваршиш ва муҳим ижтимоий хизматларни ўз ичига олувчи, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси кўзда тутган, ҳаёт даражаси-га оид, инсон ҳуқуқларининг амалда таъминланишидир.**

**ҲАМ ТАШАБУСКОР, ҲАМ ТАШКИЛОТЧИ**

**Матвеев Александр Алексеевич** — «Новатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси, 13-Сирғали сайлов округидан Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— Мен иш фаолиятимни рангли металл қайта ишлаш заводида бошлаганман. Сиртдан Тошкент Давлат молия университети-нинг менежер бўлимини тугатдим. Оқдий ишчиликдан муҳандисликка кўтарилидим. Шу ерда одам тандим, улардан кўп нарса ўргандим. Аҳилилик ва ҳамжихатликни яхши йўлга қўйганим тўғрисида эътибор қозондим. Шундан кейин рангли металл қайта ишлаш, «Новатор» автоэҳтиёт қисмлар чиқариш фирмаси директори вазифасига тайинладилар. Мен бошқик хамроҳларимнинг ишчанлиги, урдабуронлиги тўғрисида оддийгина кичик фирма ўрта ҳажмдаги корхона даражасига кўтарилиб олди. Ҳозир



мазкур корхонада икки юз нафар ишчи хизмат қилаётир. Бари ўз касбининг устаси. Ишлаб чиқарган маҳсулотлари бозорғир. Ҳамдўстлик мамлакатлари билан ўзаро алоқани мустақамлаётганимизнинг боси ҳам шундан.

Ўзбекистон ХДПсининг олиб бораётган сиёсатини чин дилдан маъқуллайман ва бирдан бир мақсадим омма-ни ўз ортимдан эргаштириш. Шунингдек, республикамизда олиб борилаётган сиёсий йўналишларни ҳам, ҳукуматимиз фаолиятини ҳам қўллаб-қувватлайман...

# ИНСОН, ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ УЧУН ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Тошкент шаҳар Кенгаши  
депутатлигига Ўзбекистон  
Халқ демократик партиясидан  
кўрсатилган номзодлар



## СЎЗ — НОМЗОДЛАРГА

**Фаррух Амирович Акназаров** — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг ректори, 9-Салор сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.



— Мен ўз меҳнат фаолиятимни 1975 йили Фарғона политехника институтининг иқтисодиёт кафедрасида ўқувчиликдан бошлаганман.

Шундан сўнг қарийб 24 йил мобайнида Москва бошқариш институтида тадқиқотчи, аспирант, Фарғона ва Тошкент Политехника институтларида ассистент, доцент, гуманитар фанлар факультети декани, Россия иқтисод академиясида докторант, Тошкент Давлат техника университети «Саноат менежменти ва маркетинг» кафедраси мудири, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг «Сув хўжалиги иқтисодиёти, уни ташкил этиш ва бошқариш» факультети декани, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий-техник тармақининг бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директорининг биринчи ўринбосари, Жаҳон банкининг кредити доирасида «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича Бош директор лавозимларида ишладим.

Бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда кадрлар тайёрлаш учун ўқув жараёнини такомиллаштириш, янги дарсликлар, ўқув

қўлланмалари яратишда фаол иштироким борлиги билан фахрланаман. Жумладан, «Ўзбекистонда ишбилармонлик ва тадбиркорлик асослари», «Бозор муносабатлари, тадбиркорлик ва кадрлар», «Ўзбекистонда менежмент ва тадбиркорлик» илмий асарларим ўқув юрталарида кенг фойдаланилмоқда. Етмишдан ортиқ дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар ва илмий мақолалар муаллифи сифатида хизматларим бор. Менинг бевоқиф раҳбарлигимда тўрт нафар ёш олим фан доктори ва номзодлик диссертацияларини ёқладиларки, улар ҳам менинг фахримдир.

Ҳар бир ишга меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, янгиллик интилувчанлик, ташкилотчилик билан ёндашган ҳаётда ўз раънақини топар экан. Балки шунинг учундир жамоа ўртасида обрў-эътиборга сазоворман. Менинг номзодим Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган экан, мен сайловчиларим олдига катъий сўз бериб айтаманки, ишончларингизни оқлаш учун бор куч-қудратимни бағишлайман.

**Кимёхон Сайфиддинова Шокирова** — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 26-оилавий поликлиника бош врачси, 52-Туркистон сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.



— Халқ учун кўйиб-ёниб яшашни ўзимга шиор қилиб олганман. Эларнинг ташвишини, оғирини енгил қилишга астойдил бел боғлаганман. Депутат бу халқ вақили, тўғриси энг яқин гамхўри, хизматкоридир. Ҳар ким дардини айтиб, турмуши билан боғлиқ муаммоларини изҳор қилиш учун ҳокимият билан алоқа боғлолмайдим. Депутат уларга ана шундай маҳалларда қор келди.

Мен 1994 йили худди шу округдан номзодим кўрсатилиб, депутатликка сайланган эдим. Агар сайлансам беш йил мобайнида сайловчиларим билан алоқани мустаҳкамлаган ҳолда уларнинг оғирини енгил қилиш ғамини ейман. Ҳукумат билан улар ўртасида воститачилик қилиб, талабларини раҳбариятга етказиш орқали илтимосларини қондиришга ҳаракат қиламан.

«Кўшчинор», «Наврўз», «Собирубод» маҳаллалари аҳли ҳам нимагаки муҳтожлик сезиб, мурожаат қилсалар бажонидил хизматларига тайёр тураман. Барча-барчаларнинг яхши кўнларига ҳам, ёмон кўнларига ҳам биргаман. Депутат деган шундай бўлиши керак-да. Ҳар қалай, мен шундай деб уйлайман. Яна мени шу округдан номзодим кўрсатилган экан, ҳеч шубҳасиз, ҳамма-хаммаларнинг хизматларида ҳамма камарбасталик қилишга яна ваъда бераман.



**Алижон Мамажонович Мамаюсов** — «Узавтосаноат» уюшмаси ташкилоқчилар ва янги корхоналар очиб бошқармаси

бошлиғи, 14-Интисор сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— Мен олдиндан мақтанишни ёқтирмайман. Аҳли-алаф менга ишониб, номзодимни кўрсатибдими, демок, мен ҳам унинг ишончини оқлашм керак. Бу борада пухта тузилган қатор режаларим бор. Энг муҳими қонунлар устуворлигини амалга ошириш мақсади. Халқ манфаати учун хизмат қиладиган қонунларнинггина нафи тегади. Ана шундай қонунлар ишлаб чиқишида фаол иштирок этишни ис-тайман.

Шифохонамиз қоқ туман марказига жойлашган. Ҳар куни одамлар келишади. Хатлар ёзишади. Қабул куни пайшанба кўнлари соат 16 дан 19 гача деб ёзиб қўйишига қарамай истаган маҳали ёрдам сўраб келгани қайтаргим келмайди. Яшаш шароитлари, саломатликларини тиклаш борасидаги талабларини эшитибгина қолмай шахсан ёрдам қўлини чўзаман. Кам таъминланган оилаларга моддий кўмак берилишига бош-қошлик қилгим келверади. Бизнинг даҳага яқин-атрофдаги «Астробод», «Кўшчинор», «Наврўз», «Собирубод» маҳаллалари аҳли ҳам нимагаки муҳтожлик сезиб, мурожаат қилсалар бажонидил хизматларига тайёр тураман. Барча-барчаларнинг яхши кўнларига ҳам, ёмон кўнларига ҳам биргаман. Депутат деган шундай бўлиши керак-да. Ҳар қалай, мен шундай деб уйлайман. Яна мени шу округдан номзодим кўрсатилган экан, ҳеч шубҳасиз, ҳамма-хаммаларнинг хизматларида ҳамма камарбасталик қилишга яна ваъда бераман.



СУРАТДА: Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Тошкент шаҳар ташкилотидан кўрсатилган номзодлар.

**Партиямиз Ўзбекистонда кучли ҳуқуқий демократик давлат, инсонпарвар, адолатли жамият қуришининг изчил тарафдоридир. У мустақиллик туғайли халқимизнинг ушбу кўп асрлик орзусини амалга оширишининг ҳал қилувчи имкониятлари яратилди, деб ҳисоблайди.**

**Партия жамиятда ижтимоий бирдамлик муносабатларини ривожлантириш, мулкнинг барча шаклларидаги корхоналарни, аҳолини иқтисодий фаол ва бадавлат қатламни, жамоатчилик ва хайрия жамғармаларини, маҳалла ва бошқа жамоат институтларини, уларнинг муҳим ижтимоий дастурларини амалга оширишда ҳамда ҳимояга муҳтож фуқароларни муҳофаза-лашда фаол иштирок этишларини, рағбатлантиришда иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратишни ўз ижтимоий сийёсатининг муҳим йўналиши, деб ҳисоблайди.**



**Муқаддам Мансур-жоновна Расулова** — Республика «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси, 42-Хайриобод округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— Йигирма биринчи асрга кириб боряпмиз. Президентимиз Ислам Каримов айтганларидек келажак учун баркамол авлод керак. Улар ўзидан ўзи тарбия топиб, баалоғатга етавермайдим, чунки хали-ҳатом қилинмаган, ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар

кўп. Ана шу муаммоларни ечишда уларга кўмак бериб, маънавий салоҳиятларини оширишни ҳар қачонгидан ҳам ҳаёт кўпроқ тақозо қилмоқда. Уларнинг иқтидорлик даражасини оширишда бизлар жонқуярлик қилмасак, ким қилади? Биринчи гада иш-сиз қолганларни иш билан таъминлаш, ҳуқуқларини ошириш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, билим ва онглариини ошириш, мунтазам спорт билан шугулланишларини таъминлашдай муҳим вазифаларимиз бор. Энг муҳими, ёшлар ўртасида аҳён-аҳёнда кўзга ташланиб қолаётган энг ёмон иллат — гивандликка қарши курашни кучайтиришимиз лозим. Бу ҳам ўзидан ўзи барҳам топмайди. Худди ана шу мақсадда жамғармамиз томонидан йигирма тўрт йўналиш бўйича пухта дастур тузилган. Дастурнинг асосий мақсади ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Хуллас, 2000 йиллар учун Ватанга содик, ҳар жиҳатдан етук кадрларни тарбиялаб, камолта етказишдай улғ иш

билан машғулмиз. Жамғармамиз ташаббуси билан турли соҳа бўйича кўрик танловлар ўтказиб турамыз. Қатор мактаблар, лицейлар, гимназияларда «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз тарихимизни биласизми?», «Шунқорлар ҳарбий ўйини» каби қўриқ-танловларимиз бунга мисолдир. Талабалар ўртасида йилда икки бора «Кўвноклар ва зурқоллар» ўйинимиз ҳам доим жуда мароқли ўтади. Аёллар йили муносабати билан шахсан менинг раҳбарлигимда «XXI аср аёллари маркази» ташкил қилинган. Мазкур марказ тивувчиликни ўрганишга ҳавасманд қизлар иштирокида «Ёш моделерлар клуби» ишлаб, йилда икки марта «Либлислар намойиши» ўтказиб турамыз.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига менинг номзодим қўйилган экан, бу ўз навбатида олиб бораётган фаолиятим бўйича зиммамга янада юксак масъулият юкланаётганидан далолатдир. Мен бу масъулиятни қалбан ҳис қилиб турибман.

**Қадам Йўлдошев Иўлдошев** — «Ортопедия» хиссадорлик жамияти бош директори, 34-Лисунов сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— Мен 1991 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини имтиёзли диплом билан тугатганман. Ўқишимни тугатгач, Хоразм вилояти Шовот тумани Марказий касалхонасида врач-жарроҳ, Хоразм вилояти биринчи сонли касалхонасининг бош врачси ўринбосари, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот масалалари бўйича мутахассислар гуруҳининг раҳбари ҳам

бўлганман. Урганч давлат университетининг тиббиёт маркази кафедраси мудири, Тошкент шаҳар марказий ТМЭК раиси вазифаларида ҳалол хизмат қилиб, ўз тенгқуларим ва ҳамкасбларимнинг ҳурмати қозонганман. Тиббиёт фанлари номзодиман Ҳозиргача элликдан ортиқ илмий ишларим, рационализаторлик тақдифларим бор.

Бундан бунён ҳам илмий ишларимни давом эттириш билан бирга, ҳаммага қўлимдан келганча ёрдам беришни ўзимнинг кундалик ишим деб биламан. Умуман элга қанчалик кўп нафим тегса ўзимни шунчалик кўп бахтиёр ҳис қиламан.

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — яратувчилик сийёсий ҳаракатлари партиясидир. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан, бу — Сизнинг партиясиз!**

**Сизларнинг манфаатларингиз, қувончларингиз ва ташвишларингиз — бизнинг манфаат, қувонч ва ташвишларимиздир.**



**Абдуғаффор Қаримжонович Қирғизбоев** — Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг биринчи проректори, 60-Рақат сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— Менинг бутун меҳнат фаолиятим шу билимгоҳ билан боғлиқ. Тарих фани му-тахассиси, университет

«Маънавият ва маърифат» бўйича биринчи проректорлик вазифасида хизмат қиламан. Талабалар ўртасида озми кўпми обрў-эътиборга эгаман. Барча билан аҳил ва барчага меҳрибонман десам муболага бўлмас. Кўп болали оилаларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўлаб-қувватлаб тураман. Иш-сизларни иш жойи билан таъминлаш, уй-жой учун тўланадиган бадалларни қисқартириш, муҳтож оилаларни турар жой билан таъминлаш, яқин-атроф маҳаллаларида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва уларга зарур шароитлар яратиш беришда ҳам озми кўпми ишлар қилдим. Университетдаги иждоқор ёшларни қўлаб-қувватлаш бўйича ҳам жон кўйдирмаман. Тўғривоғи тиниб-тинчимаслик одатим бор. Депутат бўлиб сайлансам янада фаолроқ ишлашга ваъда бераман.

**Абдуҷамил Содиқович Содиқов** — «ЎзМалОйил» қўшма корхонасининг бош директори, 22-Иброҳим ота сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— Мен 1966 йили Политехника институтининг геология-қидирув факультетини тугатдим. Меҳнат фаолиятимни эса Бухоро «Нефтьгаз» қидирув трестидан бошладим. Сўнг ўзим битирган институтга қайтиб «Геология нефтьгаз конлари» кафедрасида ишлаб бошладим. Юздан зиёд илмий мақола чоп эттирдим. Шу жумладан ўн олтинча ихтиро ва ўқув қўлланмалари яратдим. Ҳозир геология фанлари номзодим. Ўзбекистон Фанлар академиясининг лауреати бўлдим. 1994 йилдан «ЎзМалОйил» қўшма корхонасининг раҳбариман.

Мен сайловчиларимнинг энг ақил жонқуяри, меҳрибон ҳамроҳи бўлиб ўзимни кўрсатишга ҳаракат қиламан ва зиммамдаги бурчимни астойдил адо этиш учун бор кучимни сарфлайман.

**Фарида Йўлдошевна Абдураҳимова** — Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси, 57-Абдулла Қаҳҳор сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.



— Бугунги кунда ҳар бир Ўзбекистон фуқароси муҳим сийёсий воқеа — бўлажак сайловлар арафасида турибди.

Мен ҳам жаннатмақон юртнинг бир фуқароси, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси сифатида Ўзбекистон халқ демократик партиясидан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилдим. Бу — партиямиз менга билдирган катта ишончи.

Мен ҳам ана шу партиямизнинг бир фаоли сийёсатида унинг сайловолди сийёсий дастурини қўлаб-қувватлаган ҳолда, ўз фаолиятимда уни амалга оширишга ҳаракат қиламан, албатта.

Агарда ҳамшаҳарларим ишонч билдириб, депутат бўлиб сайлансам авваламбор шаҳримиз аҳолисини айниқса, хотин-қизларнинг ва ёшларнинг ҳуқуқий ва сийёсий маданиятини оширишга, экологик мувозанатини сақлашга, ижтимоий ҳимояга, хотин-қизларни жамиятдаги мавқеини янада ошириш, оналик ва болаликни ва ҳуқуқий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий

жиҳатдан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиш ниятиданман.

Шунингдек, жамиятимиз пойдеворида болта ураётган айрим иллатлар ва ҳимоятсизлик, порохўрлик, жиноятчилик ва ҳоказо) оилаларимизнинг фаровон бўлишига, айниқса, фарзандларимизнинг маънавийятига, таълим-тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганининг кундалик ҳаётда гувоҳи бўляпмиз.

Шаҳар хотин-қизлар кўмитаси аъзолари шахримиздаги ҳар бир оиланинг фаровон бўлишига хизмат қилишни ўзининг бурчи деб билади.

Фурсатдан фойдаланиб бошқа номзодлардан оила, оналик ва болаликнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор беришларини сўрайман. Шу билан бирга, депутатликка номзод барча аёлларимизга омад тиламан.

**Аваз Маҳаммаджонович Саидов** — Ўзбекистон ХДП Собир Раҳимов тумани Кенгашининг биринчи котиби, 21-Қорасарой сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.



— Ҳар бир номзоднинг келгусида қиладиган ишлари бўйича режалари бор. Мен ҳам ана шундай режалар тузиб, олдимга янги вазифалар қўйганман. Шулардан асосийлари: жойлардаги маҳаллий ҳокимият идоралари тизимидаги хизмат бўлимларини мувофиқлаштиришга эътиборни кучайтириш.

Бундан ташқари ҳозирги кўнларда ёшларнинг тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш борасида жон кўйдирим. Айниқса, ишсизликка йўл қўймаслик, ёшларнинг маданий ҳордиқ олишларини янада фаолроқ йўлга қўйиш, маҳаллий ҳудудларда қўшимча иш жойлари ташкил этишни кучайтиришлар ҳам энг муҳим вазифаларимизга киради. Мен бу борадаги ишларни янада авж олдириб, муваффақият қозонишимизга ишонаман. Шунингдек бу ишга куч-ғайра қилишга, деб астойдил ваъда бераман.

**Бизнинг асосий омилимиз, таянчимиз — Инсондир. Мақсад ва вазифаларимиз — Инсон учун!**

**Мирзоҳид Мирмаҳмудович Содиқов** — Ўзбекистон қасаба уюшмаси федерацияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, 17-Мингўрик сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

— Мен ўрта мактабни тугатгандан сўнг Механика ва сейсмология институтида иш фаолиятимни бошладим. Егорьевск (Москва вилояти) авиация техника билим юртида тахсил олдим ва 1973 йилда уни тугатиб Тошкент бирлашган авиация отрядида самолётлар техниги бўлиб хизмат қилдим. Тошкент дав-

лат педагогика институтини индустриал-педагогика факультетини сиртдан тугатдим. Кейинчалик Ўзбекистон фуқаро авиацияси бошқармасининг йўриқчиси вазифасини бажардим.

1981—1985 йилларда Ўзбекистон авиация ходимлари қасаба уюшмаси Республика кўмитаси раиси бўлиб ишладим. 1985—87 йилларда Тошкент шаҳар Миробод тумани фирқа кўмитасининг иккинчи котиби, халқ депутатлари туман Кенгаши раисининг ўринбосари, 1991—93 йиллар эса Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Маржа-

зий Кенгашида масъул ходим, 1993—98 йилларда Миробод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишладим. Ҳозирги даврда Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши раиси лавозимида иш-ламоқдаман. Бундан бунёнги мақсадим ҳам халқимиз турмушини фаровонлаштиришга астойдил ҳисса қўшишдан иборатдир.

Кўпчиликка хизмат қилиш бахтига муяссар бўлсам, табиийки, бор билимимни, тажрибамни шу олийжаноб ишга сарфлайман ва депутат деган шарафли номни эъзоз сақлайман.

**МУҲТАРАМ ОТА-ОНАЛАР!  
ҚАДРЛИ ОҒА-ИННИЛАР ВА ОПА-СИНГИЛЛАР!  
Сайловларда фаол иштирок этиб, ўз фуқаролик бурчингизни бажаринг!  
Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг чинакам халқпарвар номзодлари учун овоз беринг!**

Шарқ гурдоналари

Оз-оз ўтганиб домо бўлур...

Мурувват инсонийликнинг энг буюк асоси ва одамийликнинг энг улуг матосидир.

Бировга нарса беришдан инсон ҳеч қачон хароб бўлмайди, чунки қудуқ қанча қавланса суви шунча кўпаяди.

Саховатли одам ҳеч қачон камбағал бўлмайди, чунки олиш-бериш қадимдан сигналган хислатлардан биридир.

Агар ҳаёт сенга кўпроқ беришни тиласанг, кўлингга нимаики бўлса мардлик билан бошқаларга инъом қил.

Сен тоқайгача фақат ўз оёйишталгинг ҳақида ўйласан?! Шундай йул тутки, сен туфайли бошқа одамлар ҳам оёйишталик топиб, роҳатга етсин.

Халққа хайру эҳсон қилиш нақадар яхши фазилат, бироқ хайру эҳсон бегараз бўлса яна ҳам яхши бўлади. Мурувват майдонининг шоҳсувори бўлай десанг, гараз билан иш қилиб, эвазига бировлардан фойда олишни ўйлама.

Яхшилик қилган одамнинг миннат билан камситишга уринма, бировга ичирган нарсанинг миннат билан захарга айлантирма.

Саховатли киши шундай кишики, биров талаб қилиб келмай туриб ўзи улашиб беради.

Бироқ саховатни кириб ва даромадингга қараб қил. Чунки ёнингдаги пулингнинг ҳаммасини бирдан бериб юборсанг, сўнг нима билан саховатингни амалга оширасан?! Имонинг кутаришига қараб сахийлик қил, бировларга қараб тақлид қилган ҳолда сахийлик қилмоқчи бўлма.

Қарз олиб бунинг эвазига сахийлик қилишга уринма, бошқаларнинг молини олиб, бошқаларга едиришдан нима фойда бор!

Абдибек ШЕРОЗИЙ.

Олимлардан Мухаммад Бокир айтди:

— Олти кишидан олти нарса сўраш галати туюлади: бойдан олтин сўраш, гўзалдан гул сўраш, тикувчидан игна сўраш, жангчидан қурол сўраш, дўстлардан қарз сўраш, очлардан нон сўраш ва душмандан мадад сўраш!

«КАЧҚУЛИ СУЛТОНИЙ» ДАН

Баъзи кишилар оғизларига зўр бериб, уйда ўтирган пайтларида бўлмаган ишларни ҳам бўлдириб юборадилар. Оғир ва мушкул ишларни бир лаҳзада ҳал қилмоқчи бўлиб мактанадилар. Аммо иш устига келган, мумкин қадар иложини топиб, қочиб қолиш йўлини қиладилар. Бу ҳақда шундай хикоятни келтирадилар.

Ёввойи эчки боласи кийикдан: «Ҳайронман, нега сен итдан кўрқасан? Гавданг ундан катта бўлса, қаршилик қилиш учун бошингга шохларинг бор, урушмай қочиб кетишингга сабаб нима?!» — деб сўради Кийик: «Рост айтасан, ҳар гал ўзим ҳам, итдан нечун кўрқаман, ундан ҳар томонлама устунман-ку. Бу сафар албатта итларга қарши жанг қиламан, дейман-у бироқ итларнинг овози келди дегунча қандай қилиб қочиб қолганимни ўзим билмай қоламан!» деб жавоб берди.

Аҳдида мустаҳкам ва барқарор турмайдиган, олдиди мақсадни амалга ошириш учун бутун куч ва ғайратини сарфламайдиган бепарво ва лоқайд улуг кишилардан кўра, доимо интилиш ва изланишда бўлган оддий кишилар афзалроқдир. Бу ҳақда қуйидаги хикоят бежиз келтирилмаган.

Тез рафтор куён билан секин юрвчи тошбақа йўлда бир-бирларига дуч келиб қолдилар. Куён тошбақага қараб «Сендек ландоув ва хушқамас жониворни умримда кўрган эмасман. Бир неча қадамли йўлни ҳам узоқ фурсатда босиб ўтасан. Мен бир неча фарсаҳ йўлни бир онда босиб ўтаман!» — деди. Тошбақа: «Мени танбал деб таъна тошини отма. Одатим шу. Агар хоҳласанг сен билан чопишаман!» деди. Муайян бир жойни тайин қилдилар ва тулкини текширувчи қилиб қўйдилар. Куён тез чопиб бориб, бир ерга етганда, ўзинча: «Тошбақа узоқда қолиб кетди. Мен ҳозир мана бу тўнка устига чиқаманда ухлаб ётган киши бўлган тошбақани роса масхаралайман. У етиб келгач яна чопиб кетаман!» — деди-да тўнка устига чўзилиб ухлаб қолди. Тошбақа у ухлаб ётган жойдан ўтиб кетиб, муайян манзилга ундан олдин етиб келди.

Ғулум МУХАММАД ВОСИФ.

Инсонни камолга етказувчи нарса адабдир. Бироқ адаб қандай ҳосил қилинади? Адаб илм эгаллаш, бадийи, ахлоқий, шеърӣ асарларни мутолаа қилишдан ҳосил қилинади. Камолга етиш учун тилни адаб билан қуроллантириш, қўлни эса тўгриликка одатлантириш лозим.

Донолар айтди: «Адаб ақлли киши учун улуглик ва фазилатдир». Шунинг учун айтдилар: «Адаби йўқнинг ақли йўқ». Олимлар: «Адабсиз ақл, ақлсиз адаб йўқ», — дейдилар. Демак, ақл ва адаб бир-бирига боғлиқ. Инсонда ҳар иккови мавжуд бўлсагина, у ҳақиқий камол эгаси бўлади.

Айтдилар: «Адаб икки хилдир: ҳикмат адаби ва ҳизмат адаби. Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етаклайди. Ҳизмат адаби эса бадавлатлик ва обрўга етказилади». Ҳар иккиси ҳам улуг фазилат бўлиб, бири азиз қилса, иккинчиси қудратли қилади.

Абдулқодир Нурий ал-БАРЗАНЖИЙ.

Кун ўтганда «ўтди» деб бепарво бўлма, у мрингдан бир хиссаи камайганини билдиради.

Сергаплик душманингдир. Чунки у сенинг айбларингни ошкор этади, душманингни эса жойидан кўзгатади.

Ғазаб шундай оловки, у ўз соҳибини ҳам ёндирди.

Пишай десанг, сафар қил. Сафардан беш фойда бор: кўнгли ёзиш, куч тўплаш, илм ва адаб ўрганиш, доно кишилар зийратида бўлиш.

Аён нарсага баён шарт эмас.

Ақлли одам шундай одамки, қийин вазиятдан осонгина қутулиб кетади. Доно шундай одамки, қийин вазиятга асло тушмайди.

Мухаммад ЖАБАЛУРДИЙ.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Даставвал тайёргарлик ҳафтаси ўтди. Хусусан, Исроил Ташқи ишлар вазирлигининг мамлакатни зиёрат қилиш ҳақидаги тақлифи мен учун қутқилмаган хушхабар эди.

Шундай қилиб, Исроил томони Ўзбекистондаги урта республика газетаси бош муҳаррирлари — Абу Хўжаев («Ташкентская правда»), Акмал Ақромов («Тошкент оққоми») ва «Вечерний Ташкент» ҳамда мени Қозғоғистон оммавий ахборот воситаларининг тўрт нафар вакили билан бирга ўз мамлакатига тақлиф қилган эди.

Исроилнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси Ноах Галгендлер билан суҳбат чоғида у аjoyиб мамлакатга дўстона таърифимиз мақсадини тушунтириб берди. Яъни, Исроил ҳаёти, режалари ва истиқболларини Ўзбекистон жамоатчилигига имкон борича тўлиқ ва мукаммал етказиш зарур. Чунки Исроил Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқалар кенгайтиши ва мустаҳкамланишидан жуда манфаатдор. Ўзбекистон Президентининг Исроилга ташрифи вақтида имзоланган Ўзбекистонга савдода мумкин қадар қулайлик бериш тўғрисидаги, икки хисса солиқ солишининг олдини олиш ҳамда боғжона соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги ўзаро шартномалар бунга ёрқин мисол бўла олади. Исроил томонидан эса Ўзбекистон ҳудудига амалга оширилажак ўзаро ҳамкорлик кўзда тутилган ўттиздан зиёд лойиҳа рўйхати тайёрланган. Самарали ҳамкорлик ривож топиши учун эса биз бир-биримиз ҳақида кўпроқ билишимиз зарур.

ПАРВОЗ

Тошкент—Тель-Авив йўналишида учувчи «Эрбас А-310» уякан ҳаво кемаси тоғ сахар олашларда самога парвоз қилди.

Самолёт қаноти остида қадрдон заминимиз, Қорақалпоғистон, Туркменистон, Каспий денгизи, Озарбайжон, Арманистон ва Туркия аста-секин орда қолди... Беш соатдан ошди давом этган парвоз чоғида Ватан руҳи бизга мадад бериб турди. Юлдуз Усмонова, Мавлуда Асалхўжаева, Равшан Комилов, Ғиёс Бойтов, Ғулумжон Еқубов, Мохира Асадоваларнинг овоз ва мустақил Ватанимиз ҳақидаги оракача яқин дилрабо куй ва қўшиқлари калбимизни ёритиб, сафаримизни энгил қилди.

Истараси иссиқ ва хушумомала стюардесса — парвоз бекалари ўзбек, рус ва инглиз тилларида гапириб, йўловчиларга янги газеталарни тақлиф этишди.

Ниҳоят, самолётимиз кўниш учун пасая бошлади. Тель-Авив шаҳрининг халқаро «Бен-Гурион» аэропорти бизни кучоқ очиб кутиб олди. Аэропортдан чиқар эканмиз, оппоқ ва бўлиқ пахта далалари йўлимизда ястаниб ётарди. Ажаб, бу манзара — Исроил давлатининг дастлабки иктисодий мўъжизалари эканини биз ҳали билмас эдик. Чамандек очилиб ётган чексиз пахтазорларга боқиб, беихтиёр бу соҳада ҳам улардан ҳали жуда кўп нарсаларни ўрганишимиз лозимлигини ўйлаб қоласан, киши. Жонкуяр дехқонлар фойдали ерининг ҳар бир метрини тежаб, ҳатто аэродром этақларини ҳам ҳосилдор экинзорларга айлантиришган экан. Одамлар тепаларидан учиб ўтаётган қилиб пахта самолётларидан остида қандай қандай пахта теришаркин, деган савол туғилади. Лекин қишлоқ меҳнатқашлари бу ерда пахтадан кўрада теришмас экан.

Исроилда пахта терими ипидан-игнасига автоматлаштирилган. Комбайн теримидан қолиб кетган оз миқдордаги пахта қолдиқлари ғўзапоки билан бирга ҳайдаб юборилади.

Исроилликларнинг хўжаликни тежаб-тергаб олиб бориши, тадбиркорлиги ва барча муаммоларга оқилона, ақл билан ёндашувидан ҳайратланишимиз бутун зиёратимиз давомида бизни тарқ этмади. Ҳолбуки Исроилда атиги икки фоиз одамларгина қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаркан ҳолос...

Делегациямизни Қуддусдаги «Таль» исмли меҳмонхонанинг шинамгина хоналари интиқ кутарди. Икки соатлик ҳордикдан сўнг Исроил Ташқи ишлар вазирлигининг МДХ мамлакатлари бўйича махсус вакиллари танишув суҳбати учун бизни мўъжазгина киборлар ресторанига тақлиф этдилар. Уларни бизнинг Исроил ва умуман, Араб—Исроил можароси ҳақидаги фикрларимиз қизиқтирарди. Суҳбат сўнгида эса агар кўнгаларимизни холисона баҳралаб, бу жафокаш ва меҳнатқаш халқ, бунёдкор юрт ҳақида ижобий ёзласак, у ҳолда исроилликлар бизни яна меҳмонга тақлиф этишларини айтиб, ҳазиллашишди...

Улкан зал ўрнатилган. Улкан зал экспонатларининг катта тош блоклари орасида гўёки миллионлаб ҳалок бўлганлар мангу уйкуда ётгандек туюлади...

Иккинчи жаҳон уруши даврида олти миллиондан ортиқ аҳудий ҳалок бўлган. Уларнинг уч миллиондан зиёди — Польша ва яна уч миллиондан зиёди — Совет Иттифоқида йўқ қилинган. Исроилликлар нафақат беғуноҳ ҳалок бўлган ватандошларини, балки ҳаётини ҳаф остига қўйиб яхудиёларни ўз уйларида яшириб, омон сақлаган инсонларни ҳам ёдда сақлайдилар.

Шунингдек, Швейцария, Австрия ва бошқа давлатлар элчихоналари ходимларининг инсонпарварларча ёрдами ҳам

САҲРОДАГИ БОҒИ ЭРАМ

(Таассуротларимни остин-устун қилиб юборган саккиз кунлик Исроил сафари ҳақида)

ШАҲИДЛАР ЁДИ

Илк соатлар, биринчи учрашувлардан оқроқ исроилликларнинг ватанпарварлиги ва ўз мамлакатидан фахрланиш ҳисси бидда уларга нисбатан чуқур ҳурмат-эҳтиром ўйотди.

Зиёратни биз Мангулик ёдгорлигини томоша қилишдан бошладик. Унда Исроилнинг 35 асрлик аянчи тарихи ақс этирилган. Бу кичик улка дунё сийёсий харитасида стратегик аҳамиятга эга ер бўлиб, Африка, Осиё ва Европани бирлаштириб турган. Бу заминда яхудий халқининг маданий, миллий ва диний руҳи шаклланган. 1948 йилда эълон қилинган Исроил давлати 2000 йиллик узоқ ва қалқаш тарихга эга. Эндиликда бутун жаҳонга тарқаб кетган шўрлик яхудий миллати яна ватанига қайтиб келмоқда. Иммигрантлар хизмати маълумотига кўра, фақат 1987 йилдан 1998 йилгача Исроилга доимий яшаш учун 879516 яхудий кўчиб келган.

Бу ракам бугунги кунда аҳоли умумий сонининг 15 фоизини ташкил этади. Саксонинчи йиллар охирида эса репатриантларнинг йиллик сони 13—20 минг кишини ташкил қилган. Кўчиб келишнинг чўққиси 1990—91 йилларга — собиқ СССР бўлиниб кетган даврга тўғри келади. Сўнги йилларда ватанига қайтаётганлар сони йилга 50—80 минг киши атрофида бўлиб, эндиликда бирмунча камаймоқда. Кўпинча бу одамлар ўзларига бўлган муносабатини мўъжиза, деб қабул қиладилар — ахир; мамлакат уларга гамхўрлик қилапти, уй-жой ва иш билан таъминляпти, уларнинг бошқа маҳаллий фуқаролар орасида муносиб ўрин топиб олишлари учун ёрдам берапти. Миллати ва маданиятидаги фарқларга қарамай, улар эндиликда туз исроилликлар билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаёт кечирмоқда.

Бу халқ бошига жуда кўп мусибатлар тушгани тарихдан бизга яхши маълум.

Нацизм қурбонлари ва қаршилик ҳаракати қаҳрамонлари хотираси миллий институтда ҳар бир ходим, ҳар бир тарихчи ярим аср илгари кечган даҳшатли воқеаларни эсда сақлайди ва улар ҳақида зиёратчиларга шундай ҳиссиёт ва эҳтирос билан хўқиб қилишади, ҳатто фашистларнинг ваҳишона қилмишлари ҳақида кўп ва кўп эшитган одамлар ҳам кўзларига беихтиёр ёш олишади...

Фалокат қурбонлари ва қаҳрамонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қонун Кнессет (мамлакат парламенти) томонидан 1953 йил августда қабул қилинган. Кейинчалик, кўп ўтмай, Қуддуснинг гарбий қисмида, Герцль тоғи яқинида маҳобатли мажмуа бунёд этилади. Мангу олов ёнаётган Хотира Залида ҳалок бўлганларга ҳурмат бажо келтириш ниятида бу ерга келувчилар учун тантанали маросимлар ўтказилади. Қаршилик кўрсатган аскарлар шарафига Қаҳрамон-

уларнинг ёдидан чиқмайди. Бу ходимлар ўз элчихоналарининг дахлсизлик ваколатидан фойдаланиб, юзлаб яхудий оилаларини химоя қилганлар ва уларга бошпана берганлар. Ана шундай жасоратли ҳар бир халоскорнинг исми-шарифи Такводорлар Хийбони лавҳаларига зарҳал харфлар билан битилган. Миннатдор яхудиёлар ҳар бир ана шундай жасоратли инсон шарафига хотира кўчатлари ўтказишган...

УЧ ДИН ШАҲРИДА

Энди эса биз биринчи бўлиб таъинланган Исроилнинг бош шаҳри — Қуддус ҳақида бир неча оғиз сўз. Уни бу мамлакат ҳазинасидаги гавҳар деб ҳисоблашлари ҳам бежиз эмас.

Ривоят қилишларича, пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом ўз ҳужраларида ухлаб ётганларида, Оллоҳнинг элчиси хазрати Жаброил келиб уйғотадилар ва Оллоҳ ўз ҳузурига чорлаётганини билдирадилар. Хазрати Жаброил пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломни Макка шаҳридан Қуддус шаҳрига Бурок номли отда олиб борадилар.

Мақаддан Қуддус шаҳри анча олис эди. «Масжид-ул-аско» масжиди (бу сўз арабча бўлиб «Узоқдаги масжид» деган маънони билдиради)да одамлар номозини Қуддус шаҳри томонга қараб ўқишар эди.

Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом хазрати Жаброил билан Қуддусдан осмонга кўтариладилар, яъни меъроқ қиладилар (меъроқ сўзи араб тилидан олинган бўлиб, «нарвон, пиллоя» деган маънони билдиради) ва етти нафар пайғамбарни етти қават осмондан олиб, улар билан биргаликда парда орқасида турган Оллоҳ билан мулоқотда бўлади-лар. Оллоҳ пайғамбаримизга бир кунда эллик марта намоз ўқишни ва бунга бандалари ўртасида жорий этишни буюрди. Пайғамбаримиз ортига қайтаётганларида, йўлда Иброхим пайғамбарни учратадилар. Иброхим пайғамбар Мухаммад алайҳиссаломга эллик марта намоз ўқиш кўплик қилади, бунинг сира илоҳи йўқ, шу сабабли унинг сонини камайтиришни маслаҳат берган эканлар.

Шундан сўнг пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом буну Оллоҳдан сўраганларида, Оллоҳ бир кунда беш марта намоз ўқишни айтган экан.

Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом яна орқаларига қайтиб йўлда Иброхим пайғамбарни учратадилар, Иброхим пайғамбар Мухаммад алайҳиссаломга беш марта намоз ўқиш кўп-ку, деб айтди-лар. Шунда пайғамбаримиз мен фақатгина бир марта илтимос қиламан, бошқа сўрай олмаман, деб жавоб берадилар. Шундай қилиб пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом ҳужраларига қайтиб, қур-

саларки, эшикнинг зулфи силкиб, ағдарилган ортобадаги сув халиқ ҳўткилаётган ҳолатида турган экан. Дем, меърож — Оллоҳ жамолига эришиш бундай улуг зот билан бўлган мулоқофат бир лаҳза, бир сониягина вақт ича содир бўлган экан.

Қуддус — яхудийлик, насронийлик ва ислом динлари учрашган муқадд; шаҳар. Насронийлар уни Исо пайғамбар ҳаётининг сўнги йиллари билан боғлайдилар. Мусулмонлар Қуддусни Масд ул-аско, яъни Мухаммад пайғамбар тинчи осмонга кўтарилган жойга ўхшатади. Қуддуси шариф — Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварадан кейинги, усулмонлар учун муқаддас зиёратгоҳ бўлган учинчи шаҳардир. Уни асрлар дамида қуршаган сирлилик мусаввирлар, шоирлар ва барча даврлар олим уфузаларини то хануз илҳомлантириб келади.

Дарвоқе, Масжид ул-аскога ёнган шаҳарнинг жанубий ва гарбий девлари ёнида катта қўламда қазиб ишлар олиб боришмоқда. Масжиднинг ўзи Қимми Пештоқ деб аталган ер ости ишотида жойлашган. 709—715 йилларда Абдмалликнинг ўғли халифа Валид кўн бу масжидга қумушранг гўмбаз, нафс усунлар ва пештоқлар зёб бериб ўрди. Унинг ичида эса бебаҳо гиламлар ишланган. Салб юришлари даврида масд тамилиерлар қароргоҳи бўлган. Уларқсон этилгандан сўнг Салоҳиддин Масд ул-аскони дастлабки кўринишига қайтган.

Мусулмонлар масжидга кириш учун пул тўламайдилар. Бошқа дин пешволаи учун бу зиёрат 8 долларга тўшади. Ёерда сизга Қуръондан суралар ўқиб беришди ва Мухаммад сўнги марта тиловат қилган жойга бошлашди...

Хозир Қуддус — музейлар, бадий суратхоналар, театрлар, дорифундуларга эга катта маданий марказдир. Олў қўнчилики ва суд органларининг ҳам мавжудлиги қадимий шаҳарни замонавлаштирган. Мол дунёга тўла университетлар, кинолар шарқона бозорлар билан б5-баробар сайёҳларни ўзига жалб этади.

Бизни, Ўзбекистон фуқароларини Шарқ бозорларининг тўкин-сонининг билан ажаблантириш мушкул. Биз хаёбанзан европалик дўстларимизни пойтахтимизнинг Чорсу ёки Олой бозорлари тақлиф этиб, уларнинг ҳайратга тушишдан завқланамиз. Энди бизда ҳам қокос ананас ёки манго сингари денгиз оши келган антика мевалар бор. Бу ерда авдо имкониятлари деярли чексиз бўлиб бозорлар Исроил ширинликлари, бутун-Яқин Шарқдан ва узоқ мамлакатлардан елтирилган антика меваю сабзавотлар илан тўлиб кетган. Бу ерда айнакча қўзғатиланувчи озодалик ва саранжомлик ишини кувонтиради. Ҳар қандай сабзаво худди совгага ўхшайди, ранг-баранг ақетлар ва ўров қоғозларини айтмайёзми! Магазин ва дўкончалар қадимий этикварлар, ноёб китоблар, суратлар, қиштовоклар, заргарлик тақинчоқлари, ёғочдан ўйилган буюмлар, кашталар ва нарм маҳсулотлари билан тўлиб-тошган. Ҷақат пулингиз бўлса бас...

Агар бу антика шаҳар меҳмониди бирйўла ҳам эски, ҳам янги Қуддуси томоша қилиш истаги туғилса, унга ИМКА (Насроний ёшлар уюшмаси)нинг бандан миносарасига кўтарилишни тақлиф этадилар. У жойдан эса кўз олдингизда аjoyиб манзара намоеён бўлади. Узига хос Қуддус тошларидан қурилган иншоотлар теварак-атроф билан уйғунлашиб, сўлим боғ ва хийбонлар шаҳарга ажиб мафтункорлик бахш этади.

Кеч тушганда биз кўп таассуротлар билан меҳмонхонага қайдик. Кечки овқат пайтида бизга дилбар яхудий қўзлари хизмат қилишди. Умуман Исроилдаги барча меҳмонхона ва рестороноларда асосан Исроилга доимий яшаш учун келган репатриантлар ишлашар экан. Янги мамлакатдаги дастлабки синов даври улар учун ана шундай бошланади. Улар янги Ватандиқ турмушдан жуда мамун, яхши таъминланган кўриндилар ва шу қадар жозибали эдиларки, беихтиёр Она Ватан бағрида яшаш, мустақил ва гамхўр мамлакатнинг фарзанди бўлиш нечоғли қатта бахт эканигини уларнинг бахтиёр «чех»ларига қараб янада теранроқ англайсан киши...

Исमत ХУШЕВ,

Тошкент—Тель-Авив—Тошкент.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» республика бирлашмаси, Тошкенбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат циркида 1999—2000 йилги мавсум 1999 йил 24 декабрдан 2000 йил 9 январгача БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН! мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида «ЦИРҚДА АРЧА»

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети роман-герман филологияси факультетининг фонетика кафедрасида таърибли ўқитувчи Зулфия Давронованинг дарсларини талабалар қизиқиб тинглайдилар. СУРАТЛАРДА: Зулфия Давронова 1-курс талабаларига француз тилидан дарс ўтмоқда. Равиль Альбеков олган суратлар.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09. Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Нашрнинг тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.